

Сийрат дарслари (235-дарс) Мўминларнинг ўзаро дўстликлари



19:00 / 17.06.2023 1968

919. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсиз. Ўзаро муҳаббат қўймагунингизча мўмин бўлмайсиз. Ўзаро муҳаббат қўйишингизга сабаб бўладиган нарсага далолат қилайми? Ораларингизда саломни кенг ёйинг»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

920. Нўмон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўминларнинг ўзаро дўстликлари, раҳм қилишлари ва меҳр кўрсатишлари худди бир жасадга ўхшайди. Ундан бир аъзо хаста бўлса, жасаднинг қолгани унга қўшилиб бедор бўлади ва иситмалайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

921. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ таоло қиёмат куни: «Менинг жалолим билан муҳаббат қўйишганлар қани? Мен уларни бугун - Ўзимнинг соямдан ўзга соя бўлмаган кунда - Ўз**

соямга олурман», дейди».

Муслим ривоят қилган.

922. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бир киши ўзининг бошқа қишлоқдаги биродарини зиёрат қилди. Аллоҳ унинг йўлига кутиб турадиган фариштани қўйди. Унинг олдига келган пайтда: «Қаёққа бормоқчисан?» деди. «Ушбу қишлоқдаги биродаримни (кўришни) хоҳлайман», деди. «Унда сен кўзлаган (бирор) неъмат борми?» деди. «Йўқ, мен унга фақат Аллоҳ азза ва жалла учун муҳаббат қўйганман», деди. «Мен Аллоҳнинг элчисиман. Батаҳқиқ, сен унга муҳаббат қўйганингдек, Аллоҳ сенга муҳаббат қўйди», деди».

Муслим ривоят қилган.

923. Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир киши биродарига муҳаббат қўйса, унга ўзининг муҳаббатини билдириб қўйсин», дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.